



Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASH TIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 8 noyabr № 46 (531)

Sotuvda narxi erkin

МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

“Ўзбектелеком” АКнинг Бухоро филиалида маркетинг тадқиқотлари масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” ДАК масъул ходимлари, вилоятлар филиалларининг директорлари, маркетинг масалалари бўйича мутахассислар иштирок этдилар. Семинарнинг Асосий Маркетинг тадқиқотлари ва тарифлар бўлими бошлиғи В.Тарасенко кўриш сўзи билан очди.

Иштирокида сўзга чиққан “Бухоро Телеком” филиали директори Ш.Худойбердиев ҳамда “Бухоро почтаси” АЖ директори Х.Жалиловлар қатнашчиларни қадимий Бухорога ташриф буюрганидеклари билан қутлади.

Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Махмудов маркетинг тадқиқотларининг бозор иқтисодиёти шароитида аҳамияти ҳақда гапириб, бу вазифани барча ерда ижро этилиши билан ва давр талаблари даражасида ушбу лозимлигини таъкидлади.

Иқтисодий ислохлар даврида алоқа (почта) алоқаси ва телекоммуникация) ҳамда ахборот хизматларига бўлган талабни ўрганиши, корхона фаолиятида самарали натижаларга йўл қўйишнинг маркетинг тадқиқотларининг амали ошириши муҳим аҳамиятга эга. Агентликнинг 2000 йил, 5 апрелдаги 139-сонли буйруғи билан тасдиқланган “2003 йилгача почта ва телекоммуникациялар соҳасида маркетинг тадқиқотлари” бу борада алоқани ўрнатишни тавсия қилди.

Тарх Дастурларнинг бажарилиши юзасидан жойларга қатор ишлар қилинган бўлсада, муаммолар туғилганлиги баргараф этишнинг йўқ. Айрим жойларда маркетинг бўлимлари зиммасида уларга умуман тегишли бўлмаган вазифалар юклатилган, шунингдек, қадрлар кўнменсизлиги, ходимларга тажриба ва билим етишмаслиги кузатишмоқда. Аксарият маркетинг бўлимларининг техника жиҳозлари билан етарли таъминланмаганлиги ҳам кундалик ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мавжуд бозор

турларидан фойдаланувчи мижозлар сони тобора ошиб бормоқда.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатини ривожлантириш Давлат қўмитасининг рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва шакллантириш бошқармаси бошлиғи В.Дубровская, Агентлик Почта алоқаси бўлими бошлиғи Т.Бажамова, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори Р.Исаев, “Ўзбектелеком” АК бош директорининг ўринбосари Т.Иминов, “Бухоро Телеком” филиали Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи М.Жумаев, “Бухоро почтаси” акциядорлик жамияти Режаланштириш бўлими бошлиғи Г.Жураева, “Наманган Телеком” филиали Маркетинг ва тарифлар бўлими бошлиғи Д.Андреева, “Чирқом” қўшма корхонаси Маркетинг бўлими бошлиғи Н.Пасат, “Халқаро почта” акциядорлик жамияти Режаланштириш ва иқтисод бўлими бошлиғи О.Нелубина, “Хоразм Телеком” филиали Маркетинг бўлими бошлиғи Х.Шарипов ва бошқалар сўзга чиқди. Нотиқлар ўз меҳнат жамояларида муҳокама этилган масалалар бўйича амали оширилган ишлар, келгусидаги режалар ва мавжуд муаммолар ҳусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинар қатнашчиларига жойларда маркетинг тадқиқотларини талб даражасида олиб бориш юзасидан тавсиялар берилди. Улар Бухоро шаҳар ҳамда Когон, Вобkent, Бухоро туманлари телекоммуникация боғламаларида бўлиб, уларнинг иш фаолияти билан ақидан танишилди.

Қадимий Бухоронинг тарихий ва маданий ёдгорликлари, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ҳам семинар қатнашчиларида катта таъассурот қолдиришди.

А.ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

•Танқуғ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар аҳолига кенг миқёсда турли алоқа хизматларини кўрсатади. Ушбу корхоналарнинг иш фаолияти ва кўрсатилган хизматлар сифати юзасидан мижозлардан мурожаатлар тушиб туради. Кўп ҳолларда ушбу мурожаатларда таъкидланган камчиликлар ўринли бўлиб, баргараф этилиши лозим бўлса-да, айрим корхона раҳбарлари бу масалага совуққонлик билан қарашмоқда. Натижала фуқаролар такрор ва такрор юқори ташкилотларга, ҳукумат раҳбарлари ва Президентимиз номига шикоят билан мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Масалан, телефон ўрнатиш масаласи бўйича Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Дунг қишлоғи, Мирзатут маҳалласида истиқомат қилувчи К.Бекмуродов Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва “Ўзтелегради-окомпания”га, Самарқанд шаҳар

қўшма корхонанинг Самарқанд филиали мурожаатчи телефонларини доимий назоратта олганлиги тўғрисида тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги ва сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатиш таъминланмаганлигини тасдиқлади), шикоятчининг 29-74-76 рақамли телефони 29 июндан 12 августгача ишламаганлиги сабаби вақтида аниқланмагани, “Ўзбектелеком интернэшл АЖ” қўшма корхонаси Самарқанд филиали Давлат алоқа инспекциясининг 2002 йил, 2 сентябрдаги Н-02/08-902-сон хатига юзак жавоб беришидан нафақат филиалда, балки қўшма корхонанинг ўзида ҳам (нетакки, ҳуқуқи поймол бўлган Б.Даржиев 19 август куни Республикамиз Президенти номига учинчи шикоятини ёзишга мажбур бўлган) мурожаатларга бутунлай эътибор йўқлиги маълум бўлди. Бу албатта бир шикоятнинг

МИЖОЗ ДОИМО ҲАҚ!

Шунингдек, бетога мижозларнинг сўзлашувларини эшитиш ёки гушакни кўтарганда “станция жавоби” зуммери ўрнига “банд” зуммерининг эшитилиши, баъзи давлат алоқаси умуман йўқ бўлиб қолиши, бошқа АТСларга чиқишга қийналиш, мижозларнинг бир неча бор таъмирлаш бўлимига ва жойлардаги раҳбариятга мурожаат қилишларига қарамастан телефоннинг сифатли ишлаш масаласи ҳал этилмаслиги, шу билан бирга магистрал, тарқаткич кабеллари ва линия кабел ҳўжалигининг техник меъёрларга жавоб бермаслиги ҳамда жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ўз вақтида олиб борилмаганлиги, шикоятларда кўрсатилган камчиликларнинг баргараф этиш пайсалга солинаётганлиги ва тегишли хизмат кўрсатишда мижозлар ҳуқуқлари бузилиши каби ҳолатлар ҳам мурожаатчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Давлат алоқа инспекцияси текшируви натижасида юқоридаги мурожаатларнинг асосли эканлиги тасдиқланди. Жумладан, текширув жараёнида фуқаро Б.Даржиевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти номига шу йил, 6 июнда юборган шикоятга ўрганилган мурожаат бўйича сўралган маълумотлар “Ўзбектелеком интернэшл АЖ” қўшма корхонасининг Самарқанд филиали томонидан Давлат алоқа инспекциясига ўз вақтида тўлиқ тақдим этилмагани ва телекоммуникация хизматларини кўрсатишда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан берилган кўрсатма бажарилмагани, Давлат алоқа инспекциясининг 2002 йил, 8 июлдаги Н-02/10-721-сонли жавоб хати юборилган даврда ҳам шикоятчининг телефони ишламагани (бу ҳолат

таҳлилий ҳолат.

Давлат алоқа инспекцияси текшируви натижасида юқоридаги мурожаатларнинг асосли эканлиги тасдиқланди. Жумладан, текширув жараёнида фуқаро Б.Даржиевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти номига шу йил, 6 июнда юборган шикоятга ўрганилган мурожаат бўйича сўралган маълумотлар “Ўзбектелеком интернэшл АЖ” қўшма корхонасининг Самарқанд филиали томонидан Давлат алоқа инспекциясига ўз вақтида тўлиқ тақдим этилмагани ва телекоммуникация хизматларини кўрсатишда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан берилган кўрсатма бажарилмагани, Давлат алоқа инспекциясининг 2002 йил, 8 июлдаги Н-02/10-721-сонли жавоб хати юборилган даврда ҳам шикоятчининг телефони ишламагани (бу ҳолат

Эслатиб қўймоқчимиз — истеъмолчилар ҳуқуқи қонун билан ҳимояланган. Мижоз доимо ҳақ деган гапда жон бор. Юқори ташкилотлар ва давлат назорат органлари аралашувисиз шикоятларни ижобий ҳал қилишга суътакшлик қилаётган жойлардаги айрим алоқа корхоналари раҳбарлари зиммаларидаги масъулиятни унутмаслиги керак.

Г.МАЛИКОВА,
Давлат алоқа инспекциясининг Санкция ва шикоятлар билан ишлаш бўлими 2-тоғфали муҳаддис

ШУ СОНГА ТЕЛЕГРАММА

“Кашқадарё почтаси” АЖ Чирокчи филиалининг 120 нафар ходими “Хабар” газетасига тўлиқ обуна бўлдилар. Обуна мавсуми давом этмоқда.

Кенжа ЖУМАНОВ,
филиал директори

ДАСТУРЛАШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида Республика Олий таълим масъалалари талабаларини иборат жамоялар ўрасида Европа Шимоли-шарқий ҳудуди — Middle Asia гуруҳлари ўрасида Марказий Осиёда ilk бор компьютер тадқиқотлари бўйича Жаҳон чемпионатининг чорак финал мусобақалари бўлиб ўтди. Жами 34 жамоа беллашган бу мусобақаларда Тошкент ахборот технологиялари университетида 11 жамоа қатнашди.

Чемпионат Европа Шимоли-шарқий ҳудуди бўйича АСМ ICPC ярим финал таъкилини қўмитаси кўмагида ўтказилди. Жамоялари таъкилини масалалар — техникани ва компьютер таъминоти ҳамда юқори таъкилини алоқа каналларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бевосита ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, Хиндистон элчионаси ва “Ўзбектелеком” АК, “UzPAK”, “Сарқор Телеком”, “Infooner”, “SIEMENS”, “ABL Soft”, “ASBT” каби Интернет провайдерлари ва компаниялар ҳамийлик қилмоқдалар.

Таъкидлаш жоғизки, ушбу Жаҳон чемпионати (АСМ International Collegiate Programming Contest) компьютер оламида ўзига хос салиқли

ўрнига эга бўлган АСМ — Association for Computer Machinery (“the First Society in Computing”) ташкилотчилигида 1977 йилдан бую ўтказилиб келинмоқда ва дунё ҳамжамиятида энг пуфудли мусобақалардан ҳисобланади. Таъкил этиш схемаси уч босқич — чорак финал, ярим финал ва финал мусобақаларидан иборат бўлган бу чемпионат қондаларига билан уч кишидан иборат жамоа бор донда компьютерда 5 соат ичунда 9 та топширик бажариши лозим.

Мусобақанинг дастлабки натижаси бўйича биринчи ва учинчи ўринларни Тошкент ахборот технологиялари университети командалари эгаллашди. Фойдаларни қимматбахо совғалар ҳамда Интернетда ишлаш, чет элда беғул ўқиб келиш имкониятлари кутмоқда.

Чемпионатни услубий жиҳдан Университетнинг “Дастурлаш технологиялари” ва “Алгоритмизация ва ахборот технологиялари” кафедралари, техник томондан эса КАТУ ходимларидан Н.Мирзиёев, Ф.Холиқов, М.Маънонов, М.Исломов, Т.Исмоилов, Н.Шерматов, А.Сағрариллар таъминладилар.

Н.ГУЛТЎРАЕВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети лексини

•Сурхондарёдан дараклар

ШАХТЁРЛАРГА МУҲИМ ҚУЛАЙЛИК

Шахтёрлар шаҳри бўлган Шаруида 1600 нафар мижозга сифатли алоқа хизмати кўрсатишнинг рақамли телефон станцияси ишга туширилди. Натижала шахтёрларга ишхона ёки уйдан туриб дунёнинг исталган мангили билан гап-лашши имкони яратилди.

Шаруиликлар ушбу янгиликни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунининг 10 йиллигини олдидан муносиб тухфа сифатида қабул қилишди.

ЯНГИ АЛОҚА ШАХОБЧАСИ

Шўрчи телекоммуникация боғламаси мижозлар сафини кенгайтиришга катта эътибор бермоқда. Бу ерда пуллик хизмат кўрсатганидан янги алоқа шохобчаларини яхши йўлга қўйилган.

Шўрчи дехқон бозори ёнидаги шаҳобча ҳар кун 250-300 нафар кишига хизмат кўрсатади. Ушбу имкониятлан шўрчиликлар қатори бошқа манзиллардан келган меҳмонлар ҳам фойдаланишмоқда.

Н.ЗИЁЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз

ТАЛАБАЛАРГА ҚУЛАЙЛИК КЕРАК

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси давлат масканлардан ҳисобланади. Вилоятлардан пойтахтга ўқига келган талабаларнинг аксарияти ушбу шаҳарчада истиқомат қилишади.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ва унинг ҳокимлиги Вазирам Маҳкамасининг 1992 йил, 11 февралда қарорига асосан Собир Раҳимов тумани таркибидан бўлган алоҳида маълумий ҳудуд сифатида ташкил этилган эди. Бугунги кунда шаҳарчада 40 мингдан ортиқ аҳоли яшайди, шунинг 30 мингдан зиёди ўқув юртлири талабаларидир. "Ёшлик" шаҳарчаси ҳудудда 7 та Олий, 7 та ўрта-махсус билим юрти, 6 та лицей ва махсус мактаб, 4 та малака ошириш институти жойлашган.

Мана шундай нуфузли шаҳарчада сифатли алоқа хизматига эҳтиёж юқори бўлиши табиий. Талабаларнинг ота-оналари ва ақчилари билан тез-тез қўришиб туришга имконияти йўқ. Шундай кезларда хатлар ва телефон алоқаси мушуклини осон қилади.

Агар шаҳарчада нафақат малакатишми, балки ҳориқлик талабаларининг ҳам истиқомат қилишларини ҳисобга олсак, "Ёшлик"да фаолият кўрсатаётган "Тошкент почтамти" акциядорлик жамиятига қарашли 95-сонли алоқа бўлими зиммасига катта масъулият юксатилганлиги маълум бўлади. Биз ушбу алоқа бўлими бошлиғи Умида УСМОНОВА билан суҳбатлашдик.

— Умида опа, бўлимнингизда амалда оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Бўлимимизда беш нафар ходим хизмат қилади. Уч нафари нафақа пуллари ва хатларни ўз эгаларига етказиш билан шуғулланади. Айни пайтда обуна мавсуми муносабати билан ҳодимларимиз нафақа пули тарқатиш мобайнида обуна ишларини ҳам олиб боришларимиз. Бундан ташқари, биз ноанъанавий хизмат турларини кўрсатамиз. Яъни уй-жой ширкати билан келишган ҳолда аҳолидан газ, иссиқ сув ва энергия тўловларини ҳам қабул қиламиз.

— Шаҳарча аҳолисининг асосий қисми талабалардан иборат. Почта хизматида фойдаланишда уларга имтиёзлар борми?

— Ҳар кун талабалар номига қўйлаб хатлар, телеграмма ва жўнатмалар келади. Биз шу хат-жабдаларни эгаларига ўз вақтида етказиш, жўнатмаларни эса то эгалари олиб кетгунча махсус хоналарда сақлашга ҳаракат қиламиз...

— Жўнатмалар эгаларига етказиб бериладими?

— Йўқ. Биз уларга хабарнома юборамиз, ўларни келиб олиб кетишади. Шундай бўлгани ҳам маълум. Жўнатмаларнинг ўз эгасига етказилишида турли муаммо ва тушунмовчиликлар туғилади. Бундан ташқари, талабалар номига келган пуллар ушбу ҳам хабарнома юборамиз. Бу биз кўрсатадиган энг кўп хизмат туридир. Вилоятлардан талабалар номига қўйлаб пул жўнатмалари келиб тушади. Аксарияти ўқийш учун белгиланган шартнома пуллари ҳам бўлимимиз орқали олинади. Биз Низомига биноан иш юртамиз. Низомида талабалар учун ҳеч қандай имтиёзлар кўрсатилмаган.

— Чет эдик талабалар ҳам хизматингиздан фойдаланишадими?

— Ҳа, уларнинг номига ҳам мактуб, телеграмма ва пул жўнатмалари келиб туради. Коллаверса, ўзлари ҳам хат ва телеграммалар жўнатиб туришади.

— Бўлимнингизда қандай муаммолар бор?

— Кўриб турганингиздек, биномиз таъмирга муҳтож. "Тошкент почтамти" АЖдан келган вақил биномизни қўздан кечириб, навбатчи билан бўйирлашларини таъкидлаган. Лекин бу асосий муаммо эмас. Бўлимимиз шаҳарчининг четида жойлашганини боис, кўпчилик талабалар бу ерда почта бўлими борлигини билишмайди. Натияжада асосий почта хизматлари камайиб кетмоқда. Шуларни қоплаш учун ноанъанавий хизматлар кўрсатишга мажбур бўлямиз. Биномиз шаҳарча марказида бўлганида эди биз учун

Лутфилло ТУРСУНОВ
суҳбатлашди

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

Акциядорлик тижорат "Алоқабанк" Қузатув Кенгаши ва Бошқаруви 2002 йил, 10 декабр, соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг мажлислар залида "Алоқабанк" акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. АТ "Алоқабанк"нинг 11 ойлик иш фаолияти тўғрисида.
2. АТ "Алоқабанк" акциядорларига оралик дивидендлар тўлаш тўғрисида.
3. АТ "Алоқабанк"нинг 2002 йил иш фаолияти якулиларини текширидан ўтказиш учун ташқи аудит компаниясини тасдиқлаш тўғрисида.
4. Бошқа масалалар.

Банк акциядорлари ва мажлис қатнашчиларини рўйхатта олиш 2002 йил, 10 декабр, соат 9⁰⁰ дан 10⁰⁰ гача давом этади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-62-54, 136-76-86, 136-10-21.

"Алоқабанк" Қузатув Кенгаши ва Бошқаруви

Мамлакатимизда электромагнит тўқинилар масаласида бир қатор муаммолар бор. Радиоэлектрон қурilmаларнинг доимий ўсиб бориши радиочастоталар сонининг ортинга олиб келади. Келгусида радиочастота ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун икки асосий қонун — радиочастоталар тақсимланшини қулай ва фойдаланарлиқ спектрдан фойдаланишда максимал даражада назоратни таъминлашга амал қилиш лозим.

Жорий йилнинг 1 октябрга қарай Республикада 201319 та радиоэлектрон воситалар рўйхатта олинган бўлиб, шундан 169445 тасини ушбу алоқа терминлари ташкил этади.

Шу йилнинг 9 ойи давомида 88 та радиоэлектрон қурilmаларини четдан келтиришга, 348 та қурilmани ва лойиҳалаштириш ишларига, 48 та жиҳозлаш ва сотиб олиш ҳамда 1390 тасини ишга туширишга руҳсат берилган. Бироқ амалдаги қонунларни бузган ҳолда Республикага четдан радиоқурilmалар олиб кириш кузатилмоқда.

Булар асосан маъиний ва яққа тартибга радиоэлектрон мосламалари (радиотелефонлар, радиоўйаттиригичлар ва ҳоказо) бўлиб, кўпчилиги старлича нурланиш кучига эга ва жиҳдий тўсиқлар келтириб чиқариши мумкин. Шундан келиб чиқиб, радиочастота спектрдан фойдаланишда назоратни таъминлаш учун профилактика ишлари, тезкор-амалий таъбирлар, техниквий назорат каби асосий вазифаларни бажариш керак.

Электромагнит мослашув маркази ва унинг бўлимларида бу борада қатор ишлар олиб боришмоқда. Профилактика ишларини амалда оширишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, маълум қўйилган билан биргаликда аҳоли ўртасида тушултириш ишлари олиб бориш, радиоэлектрон воситаларни Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний киритилишининг олдини олиш мақсадида боғжона ҳодимлари билан амалий-ўқув машғулотлари ташкил қилиш режалаштирилган.

Ушун 9 ой мобайнида Республика бўйлаб турли хил радиоқурilmаларнинг ноқонуний кириб келишини аниқлашга қаратилган 484 та рейд ўтказилди. Натияжада ноқонуний амага киритилган 973 та радиоэлектрон қурilmалар аниқланди. Ушбу радиоқурilmалар эгаларининг аксариятига керакли чоралар кўрилди. Шундай бўлса-да, ханузгача радиочастота спектрларидан қонунига ҳисобга олиш бўлмаган муаммоси жиҳдий равишда фойдаланишга қолмоқда. Шунинг учун бу масъулият техниквий радионазоратнинг роли ниҳоятда муҳим.

1999-2002 йиллар давомида радиотехнологияларнинг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда, юқори технологиялаштирилган ва жиҳозланган база таркибидан техниквий назоратнинг асосини ташкил қилиш мақсадида Республикада радиопеленгация ва радиомониторингнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш учун муҳим ишлар қилинди.

2002 йилнинг 9 ойи давомида радиотехнологияларнинг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда, юқори технологиялаштирилган ва жиҳозланган база таркибидан техниквий назоратнинг асосини ташкил қилиш мақсадида Республикада радиопеленгация ва радиомониторингнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш учун муҳим ишлар қилинди.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА РАДИОЧАСТОТАЛАР СПЕКТРИ НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирам Маҳкамасининг 2000 йил, 26 майдаги 202-сонли қарорига биноан 2002 йил, 1 июлда "Радиочастота спектрининг техниквий назорат тизимини ускуллаштириш, таъмирлаш ва ишга тушириш" лойиҳасини амалда ошириш ишлари якунидади. Натияжада Тошкент (иккита стационар ва бир мобил станция), Самарқанд ва Термизда (биттадан стационар станция) Германиянинг "Роде" ва "Шварц" компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган радиомониторинг ва пеленгация ускуллари ("Курт Минтерфелнер ГмбХ" фирмаси томонидан) ўрнатилди. Қўришни мўлжал ишлари мобайнида Электромагнит мослашув марказининг бир гуруҳ мутахассислари қўйта ўқитилди ва тўрт нафар Германия ўқиниши юборилди.

Техниквий назорат тизими барча стационар ва мобил станцияларининг автоматлаштирилган бошқаруви таъминлаш билан бирга радиочастоталар радиомониторинги, радиосигналларнинг эфирга чиқиб юйтиш топини ва аниқлаш ҳамда радиосигналнинг спектр анализи функциясини бажаради. Тизимнинг радиочастота ишини юргизиш ва ушдан фойдаланишнинг назорат қилиш имкониятларини ҳисобга олиб, частота ресурслари тақсимланшини режалаштириш вазифасининг бирмунча осонлашганини таъкидлаш лозим.

Тошкентда жорий йил, август ойининг охирида радиоэлектронларнинг фаол пеленгациясига қаратилган ишлар бошланган эди. Бир ярим ой ичида 35 та радиочастот жойи, жумладан Термиз шаҳрида 11

та ноқонуний ишлатилган радиостанция ва 9 та радиочастотани аниқлади. Ушунга эътиборини кўнчилигига керакли чоралар кўрилди.

Таъкидлаш лозимки, Самарқандда ўрнатилган радионазорат ва радиопеленгация станциялар таъмири Марказий Осие минтақасида 0,3-30 МГц частотали диапазонда радиомониторингнинг амалда ошириш имкониятига эга. Айни вақтда радиомониторинг хизматини бошқа давлатларга ҳам тақийш этини мақсадида радионазорат доирасининг худудий чегарасини аниқлашмоқда.

Келгусида радиочастоталар спектри техниквий назорат тизимини кўчайтириш, радиомониторинг билан таъминлаш худудини кенгайтириш ҳамда қўшимча мобил станцияларни лойиҳалаштириш зарур. Режага қўра Фарғона vodiисида радионазоратни кўчайтиришга эътибор кўпирак қаратилади. Чунки бу ерда ноқонуний эфирга чиқиб кўп умрамқоқ. Шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа худудлари ҳам замонавий техника билан таъминлашга муҳтож. Фарғона ва Бухорода иккитадан стационар станция ўрнатиш жуда муҳим бўлиб турибди. Мобил радионазоратни таъминлаш учун Фарғона vodiисы ва Сурхондарё viloyatининг чегара туманларида биттадан мобил станция ташкил этиш керак.

Таъкидлаш шунини кўрсатмоқдаки, радиомониторингнинг амалда ошириш юзасидан Ўзбекистон ҳамдустлик давлатларига нисбатан юқори натижаларга эришган. Марказий Осие республикаларига асосан эски ускуллар ишлатилди ва ҳозирда марказланган назоратни таъминлай олмайдилар. Россия ва Украинада радионазорат тизими алоҳида-алоҳида худудларда ташкил қилинган бўлиб, бу система-лаштириш ва умумлаштиришда қийинчилик туғдилади. Россия Федерациясини радиомониторингнинг автоматлаштириш ва риножалантириш, яъни ускуллар билан таъминлашнинг 2003-2006 йилларга режалаштирилган.

Рустам МАНСУРОВ,
Электромагнит мослашув маркази бошлиғи

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг жорий йил, 1 апрелдаги 101-сонли буйруғига асосан "Почта ва телекоммуникациялар соҳасидаги энг яхши иxtиrotчилик ва рационализаторлик таклифи" Республика танловини ўтказиш эълон қилинган эди.

Танлов комиссиясига ҳужжатлар топшириш мuddати 20 ноябргача узайтирилди.

Танлов қўлиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

- 1-ўрин — 300 минг сўм.
- 2-ўрин — иккита 200 минг сўм.
- 3-ўрин — учта 100 минг сўм.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.

Республика радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти.

Маълумотлар учун телефон: 136-37-34.

ГИЁХВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Тошкент алоқа коллежида Шайхонтоҳур тумани ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари ходимлари, тумани ҳокимлиги ва "Лабзак" маҳалласи фаоллари билан таъбирлар ўртасида "Гиеҳвандлик, унинг олдини олиш ва гиеҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари" мавзусида таъбир бўлиб ўтди. Унда Шайхонтоҳур тумани суди судьяси М.Зоҳидов, туман "Маънавият ва маърифат" бўлими бошвағи С.Ҳамидова, туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Нурматовлар иштирок этишди.

Учрашувда "Гиеҳвандлик иллатининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш чоралари",

"Гиеҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ҳақида", "Талабаларда инсонга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига, ишгани ва қадр-қимматида ҳурмат ҳиссини шакллантиришда маърифатнинг ўрни ҳамда соҳаётини" каби мавзулар қизқарган мунозараларга сабаб бўлди. Туман суди судьяси М.Зоҳидов ва Коллеж директори ўринбосари Қ.Тешаевларнинг гиеҳвандликнинг бугунги кунда етказилган зарарлари ҳақида қилган маърузалари йиғилганларда катта қизиқиб ўйотди.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлар.

Ўз мухбиримиз

"ХАВАР"ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ЎХРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

2003 йил ушун обуна мавсуми давом этилмоқда. Агар Сиз "Хавар"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамоки янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсатиши:

Яққа тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

"Хавар" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума кунини хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошлинг!

• Обуна — 2003



«Ўзбекистон» телеканали

Телекомпаниялар ширкати

Профилдаги муносибати билан

душанба, 11 ноябр куни «Ўзбекистон»

телеканални кўрсатувлари соат

15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома», 15.45 Ўзбекистон

Республикаси ИИВ қўрашув

қўшмачиси намунаси орастириш

концерти, 16.10 «Ош» Теле

риал, 16.45 ТВ клип, 16.55

«Рамазон тўғриси», 17.15 ТВ

анион, 17.20 «Олин дала», Пахта

қорлар учун дам олиш дастури,

17.55 ТВ маркет, 18.00 Янги

ликлар 18.10 «Ўзбектеlevision»

намоиши: «Нукус» Премьера,

18.25 «Мулк», 18.45 «Бахтли

воқо» Телехона, 19.40 Бир

жўфт қушқ, 19.25, 19.55, 20.15

21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот»

(рус тилида) 20.00 Оқшом эрта

қари, 20.15 Биржа ва банк

хабарлари, 20.30 «Ахборот», 21.05

«Қўлимиз Сизга армугом», 21.30

«Гиздашқилқ» аср вақо» 21.50

2002 йил - Қарияларни қадрлаш

йили - «Парис бор уй»

1. «Спорт, спорт, спорт», 22.25

«Темур гори», Видеофильм, 1

қисм, 22.55 «Ахборот-дайдэст»,

23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури, 9.00

Давр, 9.15 «Янги авлод» почтаси,

«Савоп беринг, жавоб берамиз»,

9.40 «Покаонтас», Мультсериял,

21 қисм, 10.05 Муслиқ лҳазлар,

10.15 ТВ-анион, 10.20 «Эмеральд»

да, Телесериял, 10.50 Ёшлар

овози, 11.10 «Ирттиқлар», Хужжати

фильм, 12.10 «Бунёдкор», 12.20

Болалар эртани: «Бамбаниқ шаш

лиғи», 13.25 Беллида белбоғи

борлар, 13.45 Интерфутбол, 15.25

«Умбўдкор қушқлар», Муслиқ

фильм, 15.55 «Қусто командаси»

нинг сув ости саргузаштлари»,

Телесериял, 16.45 Хўш ва бурч,

17.10 Кўрсатувлар дастури, 17.15

«Янги авлод» студияси: Дунё ва

ёшлар, 17.35 «Покаонтас»,

Мультсериял, 22 қисм, 18.00 Таянч,

18.20 ТВ-анион, 18.25 Автопуллар,

18.45 Оқшом навалари, 18.55,

21.55 Иқлим, 19.00 Давр, 19.35

Қўна оханлар, 19.45 Давр-интер

вю, 20.00 Марди майдон, 20.20

Илдиз ва япроқ, 20.40 Ёшлиқ на

валари, 20.50, 21.25, 22.35

Эълонлар 20.55 «Эмеральд»,

Телесериял, 21.30 Ёшлар

овози, 21.50 Олтин мерос, 22.00 Давр,

22.40 ТВ-анион, 22.45 «Муҳаббат

қавҳаси», Телесериял, 23.10 «Ёш

«Ёшлар» телеканалда спорт: Ин

терфутбол, Танаффус пайдида,

23.55 Давр, 1.00-1.05 Хайрли

тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби, 17.20

ТВда сериал: «23.5 даражали

бурчак остида», 11 қисм, 17.45,

19.05, 22.25 «Экспресс» телега

заси, 18.05 Болақонлар экрани,

«Эртак давом эгади», 18.06 18.30,

20.00, 21.10, 22.50 «Пойтахт»

«Ахборот» дастури, 18.50 «Хим

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури, 9.00

Давр, 9.15 «Янги авлод» студияси:

«Дунё ва ёшлар» 9.40 «Покаонтас»,

Мультисериял, 22 қисм, 10.05

Давр-интервю, 10.20 Муслиқ

лҳазлар, 10.30 ТВ-анион, 10.35

«Эмеральд», Телесериял, 11.05

Таянч, 11.25 «Учинчи сайёра»

маърифий дастури, 12.15 Ёшлар

овози, 12.35 Болақонлар экрани,

«Пейгани ораси», Мультифильм,

12.55 «Ёшлар» телеканалда спорт:

Тенис, 13.35 Азиям, 14.00 Қўна

оханлар, 14.15 Автопуллар,

14.35 Илдиз ва япроқ, 14.55

«Қўна тоғлар қисаси», Бадий

фильм, 16.05 Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси, 10 йиллиги

олидан - Озод элим-оқидин йўли

м-қулик таниви: Қоракалонистон

Республика телевидиокомпанияси

тақдим эгади, 16.35 Кўрсатувлар

дастури, 16.40 «Янги авлод»

студияси: «Оқ қабат», «Кичик

қўш қавари», «Сарай тили», 20.45,

Мультсериял, 23 қисм, 17.35 ТВ-

анион, 17.40 Чампион сирлари,

18.10 Ёшлар овози, 18.30 Каталог,

18.40 Оқшом навалари, 18.55,

21.55 Иқлим, 19.00 Давр, 19.35

ТВ-анион, 20.10 Сийрат, 20.00

Спорт-лото, 20.10 Оғил дастури,

20.55 «Бунёдкор» телехонаси,

21.20, 22.35 Эълонлар, 20.50 «Э

меральд», Телесериял, 21.25

«Бунёдкор» ёшлар телекуби, 21.50

Олин мерос, 22.00 Давр, 22.40

ТВ-анион, 22.45 «Муҳаббат қавҳа

си», Телесериял, 23.10 «Ёшлар»

телеканалда спорт: Интерфутбол,

Танаффус пайдида, 23.55 Давр,

1.00-1.05 Хайрли тун, шахрим!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби, 17.20

ТВда сериал: «23.5 даражали

бурчак остида», 11 қисм, 17.45,

19.05, 21.45 «Экспресс» телега

заси, 18.05 Болақонлар экрани,

«Эртак давом эгади», 18.06 18.30,

20.00, 21.10, 22.50 «Пойтахт»

«Ахборот» дастури, 18.50 «Хим

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури, 9.00

Давр, 9.15 «Янги авлод» студияси:

«Дунё ва ёшлар» 9.40 «Покаонтас»,

Мультисериял, 22 қисм, 10.05

Давр-интервю, 10.20 Муслиқ

лҳазлар, 10.30 ТВ-анион, 10.35

«Эмеральд», Телесериял, 11.05

Таянч, 11.25 «Учинчи сайёра»

маърифий дастури, 12.15 Ёшлар

овози, 12.35 Болақонлар экрани,

«Пейгани ораси», Мультифильм,

12.55 «Ёшлар» телеканалда спорт:

Тенис, 13.35 Азиям, 14.00 Қўна

оханлар, 14.15 Автопуллар,

14.35 Илдиз ва япроқ, 14.55

«Қўна тоғлар қисаси», Бадий

фильм, 16.05 Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси, 10 йиллиги

олидан - Озод элим-оқидин йўли

м-қулик таниви: Қоракалонистон

Республика телевидиокомпанияси

тақдим эгади, 16.35 Кўрсатувлар

дастури, 16.40 «Янги авлод»

студияси: «Оқ қабат», «Кичик

қўш қавари», «Сарай тили», 20.45,

Мультсериял, 23 қисм, 17.35 ТВ-

анион, 17.40 Чампион сирлари,

18.10 Ёшлар овози, 18.30 Каталог,

18.40 Оқшом навалари, 18.55,

21.55 Иқлим, 19.00 Давр, 19.35

ТВ-анион, 20.10 Сийрат, 20.00

Спорт-лото, 20.10 Оғил дастури,

20.55 «Бунёдкор» телехонаси,

21.20, 22.35 Эълонлар, 20.50 «Э

меральд», Телесериял, 21.25

«Бунёдкор» ёшлар телекуби, 21.50

Олин мерос, 22.00 Давр, 22.40

ТВ-анион, 22.45 «Муҳаббат қавҳа

си», Телесериял, 23.10 «Ёшлар»

телеканалда спорт: Интерфутбол,

Танаффус пайдида, 23.55 Давр,

1.00-1.05 Хайрли тун, шахрим!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби, 17.20

ТВда сериал: «23.5 даражали

бурчак остида», 11 қисм, 17.45,

19.05, 21.45 «Экспресс» телега

заси, 18.05 Болақонлар экрани,

«Эртак давом эгади», 18.06 18.30,

20.00, 21.10, 22.50 «Пойтахт»

«Ахборот» дастури, 18.50 «Хим

«Ахборот»

Бузуки суҳбатдошимиз Ўзбекистон Миллий академик драма театрида ижод қилаётган иктидорли актёр Фатхулло МИБСУДОВ-дир. Саъياتкор ижросидаги ролларининг теранлиги, инсон характерини таъсирчан ва жонли очиб бера олиш қobiliяти диққатга сазовордир.

лар бор. Батъларининг хислатини куриб татаълим қилинг келса, баъзиларини куриб аяниб кетсан киши. Бу дунёда эъзулик, савоб йўлида холис хизматини аямайдиган, одамларга қўлидан келган ёрдамнинг берадиган кишиларни энг бахтли инсонлар деб биламан. Оллоҳ бизни ҳеч қачон бундай эъзу бахтидан айирмасин.

— Саъياتнинг қайси жиҳатлари сиз учун азиз ва қадрли?

— Саъيات — ҳаётим мазмуни, унинг ҳар бир соҳибси мен учун қадридор. Айниқса, уни саҳнага олиб чиқишга бўлган маънақатли оилар — уйқустиз туғилар, асабийликлар, оғир меҳнатдан сунгги ёқилган дамлар, яъни муҳлислар юрагидан жой олган — ҳамма-ҳаммаси азиз ва қадрли бўлиш билан бирга фикрлар ҳамдир.

Ҳақиқий, ҳақ ва сўзқўлдан қилинган меҳнат ҳеч қачон жо кетмайди. У албатта қадр топади.

— Ҳаётда қийналган пайтларингизда кўпроқ нималарга суянаси?

— Ҳа, оғир, қаттиқ асабийлашган вақтлар ҳам бўлган. Яхшиши, уларни эсламайлик.

— Оилага муносабатингиз ва фарзандларингиз ҳақида гапирсангиз.

— Оила энг муқаддас даргоҳ бўлса, фарзандлар шу даргоҳнинг энг ширин меъваларидир. Оиламизнинг фариятиси бўлган турмуш урғотини Гулриёно педогог.

Гулноза, Улуғбек ва Абдуллоҳ исми жондан азиз фарзандларимиз бор. Уларнинг келажакда ҳақда меҳнаткан, бигимли, меҳроқибатли инсонлар бўлиб етишишини истабман.

— Келгуси режа ва орзуларингиз?

— Худо хоҳдаса кун спектакл ва филемларда турлиқонли роллар ижро этиб, бир умр ҳаққингиз хизматига бўлиш истагидман. Режаларим кўп.

Марям АҲМЕДОВА суҳбатлашди

РАМАЗОНДА БЕШ НЕЪМАТ

Жобир Абдуллоҳ (р.а.) Жаноби пайгамбаримиздан (с.а.в.) шундай ривоят қилади:

“Рамазон ойида умматимга бешта нарса ато этилганки, улар мендан олдинги биронга пайгамбарга берилмаган. Биринчиси, рамазоннинг илк кечаси. Бу вақтда Аллоҳ аъза ва жалла уларга қарайди. Аллоҳ таоло кимгаки назар қилса, у ҳеч қачон азобланмайди. Иккинчиси, кеч кирганда уларнинг оғизларидан келаётган хид Аллоҳ наздида мушкнинг ҳидидан ҳам хушбўй бўлади. Учинчиси, фариятлар улар учун ҳар кеча ва ҳар кундузда истифдор айғинади. Туртинчиси, Аллоҳ таоло жашнатта амр этиб, бундай дейди: “Дунё маънақатларидан хузурим ва карамимга истироҳат учун келадиган бандларим учун ҳазирман ва зийнатлан”. Бешинчиси, рамазоннинг охири кечаси кирганда Аллоҳ уларнинг ҳамма гуноҳларини кечиб юборади”.

Шунда бир киши у зотдан (с.а.в.): “Уша кеча Лайлатул қадрми?” деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: “Йўқ. Ахир билмайсанми, инчлар ҳам ишлаб, вазифаларини тугатган пайтларида ҳақларини тулик қилиб омадилар-ку!”

ҲАДИСЛАР

Абу Хурайра (р.а.) ривоят қилишича, Пайгамбар (с.а.в.) бундай дейдилар: “Ким рамазонда имон билан ва савоб умидида руза тутса, олдун ўпан гуноҳлари кечирилмади”.

Бухорий ва Муслим ривояти

Абу Хурайра (р.а.) ривоят қилади: “Набийнинг (с.а.в.) бундай деталарини эшитганман: “Уч кишининг дуоси рад этилмайди: Рузадорнинг, то оғзини очушича, оҳид подпоҳнинг, маслумнинг. Аллоҳ уларнинг дуоларини булутлар узра кутариб, улар учун осмон эшикларини очиб қўяди ва улар Парвардигор: “Измамга қасамки, гарчи бир муддат кейин бўлса ҳам, албатта, сенига ёрдам бераман”, дейди”.

Аҳмад ва Термизий ривояти

Зайд ибн Холид ал-Жуханий ривоят этишича, Набий (с.а.в.) бундай деталар: “Кимки руза тутган кишини ифторлик қилдирса, рузадоринки камайтирилмаган ҳодда унга ҳам шунча савоб берилмади”.

Термизий ва Насоий ривояти

Саҳл ибн Саъд (ра.) Русулуллоҳдан (с.а.в.) шундай ривоят қилади: “Жашнатнинг бир эшиги бордирки, унинг номи Райиоддир. Қиёмат кунги: “Рузадорлар қанг?” дейилади. Уларнинг охиригиси кириши билан унбу эшик ёшилади”.

Бухорий ва Муслим ривояти

“МУСУЛМОНЛАР ТАҚВИМИ” китобидан олинди

МУҲАББАТ, БУ — ...

- Чин муҳаббат орзу билан яшайди ва аҳдоқдан озиқланиди. Фақат билмаган нарсанинча чинқам севинг мумкин.
- Сепмоқ — аҳдоқинга рози бўлмақдир.
- Ёқилган бўлиш саъياتи — аҳдоқини уҳдамай олишдир.
- Сепида ва об-ҳаво мильумида ёлгон эмас, фақат ҳақоликлар бўлиши мумкин.
- Масофи эмас, вақт севини барбод қилади.
- Узоқ йиллик ҳижронга эмас, узоқ йиллик нисолга бардҳн берилган муҳаббатинга чинқамдир.
- Агар муҳаббат кўлган бўмса, кунги онлари бахтдир.
- Муҳаббатнинг энг хузурбахш ҳаҳалари — паривондан матануқинг сари кўтарилаётган онлардир.
- Ранкнинг йўқлиги ҳисобқитобди муҳаббат аломатидир.
- Севинг учун куч қолмаганда ҳам ранк учун куч тошлади.
- Ранк ҳам худди касаланка ухшайди, оқшомга бориб кучади.
- Ҳамма хотинлар ҳам эрларидан шубҳаланавермайдилар, айримлари аниқ билади.
- Сепмайдиған эрларини ҳам аёллар ранк қиладилар.
- Зарғача умиди бўлмаган одам ранк қилмайди.
- Агар биз муҳаббат деб атаганин тулгута камроқ муносиб эканлигининг тулунганимизда эди, ранк бу қадар иттироған бўлмас эди.
- Ранк қилса — севиди, ранк қилмаса — демок, ҳурмат қилди.
- Аёллардин сепмоқсизликди шубҳаланинга бизни уларнинг эмас, уларнингиз хисбатлариниз мажбур қилади.

Ш.ЭРТАШЕВ тайёрлаган

БИЛАСИСИМИ?

Мексикада ажойиб гул ўсади. У бир куннинг ўзидаёқ турли рангга қиради. Тонгда оппоқ, эрталаб қирмизи, туш пайтида эса қип-қизил, оқшомда ниллий, кечкучун қора, тунда оппоқ. Унинг яна бир сири, бу гул фақат оппоқ бўлганда — тонгда ва тунда хушбўй хид таратади.

— Саъيات оламига кириб келишингиз нимадан бошланган?

— Уқувчилик кезарингиз эди. Мактабимиздаги драма тўғарагига Ўзбекистон халқ артисти Аббос ака Мирзааҳмедов раҳбарлик қиларди. Ушанда мен ҳам тўғарагига қатнашганман. Қодиржон Мусаев деган урғотин иккаламинг танаффус ва байрамларда турли шитеримдилар, спектакллардан кўришчилар “САНЪАТ — ҲАЁТНИНГ МАЗМУНИ” деб дарсдан чиқиб синфдошларим Рашид ва Абдураҳим билан Республика радиосига бориб, “Тинчлик эртанинг” эшиттиришларида қатнашардим.

Устозим Аббос аканинг тили бори, қўлигирини мен саъيات оламига олиб кириш бўлса ажаб эмас. Бунинг учун бир омад деб биламан.

— Қайси ролнингиздан қониқингиз ҳис қиласиз?

— Мен ҳар бир ролимга, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, жиддий қарайман. Маюви романи зур чиққан ёки бўлиши бундоқ деган омайман, чунки ҳар бир образни алоҳида меҳр ва айрича ҳиссийет билан яратганига ҳарқат қиламан. Лекин кўп муҳлисларимнинг айтишларига, “Тонгдоқ” пьесасидаги динг романи бошқаларидан ажралиб турар экан. Бизнинг илҳомимизга баҳо бериш муҳлик аҳимизгиз ҳукмига ҳавола.

Устозларингиз ҳақида сўзласангиз.

— Меннинг биринчи устозларим ота-онамдир. Раҳматан отам география фанидан дарс бераганлар. Онамиз эса фармацевтика соҳасида хизмат қилганлар. Уларнинг соҳалари бошқа бошқа бўлсада, саъياتни шитотда севашар ва қадрлашар эди. Бизларин болалигимизда тезгез кино ва театр томошаларига олиб боришарди. Саъياتкор бўлишимиз улар менга барча имкониятларини яратиб бериш билан бирга менни

қўлаб қувватлашган. Бунинг учун улардин бир умр миннатдорман.

Институтда раҳматли Туркунбой Исроилов ва Рустам Усмоиловлардан кўн нарсалар ургандим. Саҳнадаги актёрлик маҳоратимнинг юзата чиқишида эса азиз устозларим Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев, Мираббос Мирзааҳмедов, Тоҳира Шамсиева, Лутифулла Саъдуллаевларнинг хизматлари ниҳоятда қатнашган.

— “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатуви билан ҳамкорлигингиз?

— Бу кўрсатувага мен тезгез ва қириб туринида. Лекин ҳар дам ҳам менга ёрдамчи, узамнинг руҳиятига мек роллар узрайвермайди. Батъли меҳроқибатсиз, инсонийлик хислатларидан тирок қилсаларга, аҳдоқинларга ибрат бўлушун, турли йул кўрсатушин, ҳаққингизни тўғуликка ундовчи бу севимли кўрсатуви мен учун ҳам азиздир.

— Кинода ўйнаган ролларингиз ва уларга муносабатингиз?

— Кинода рол ўйнашни яхши кўраман. Лекин минг афуски, ҳозирги кунларда кинофилемлар камроқ ишлаяпти.

— Шу кунларда янги кинофилемдингиз (ҳозирги номингиз) бош роллардан бирини ишониб танишингиз?

— Яхши инсоннинг энг ажойиб фазилатларидан бири унинг меҳр муруватли ва хайрса хоҳалигидир. Бизнинг одамийликнинг нимоён этувчи бу фазилатларингиз бир-бирингизга меҳру муҳаббатингиз, узаро муносабатларингизнинг илҳомингиз томонларини нимоён этуви тоқсак фазилатдир. Бу тушундуқдан тирок кишилар таласи дараҳ битилсалардир.

— Меҳр-муруват, хайр-саховат тушунчаларини қандай қадрлайсиз?

— Тўғри, ҳаётда ҳар хил инсон



Олтин куз шаровати
Л.Турсунов олган сурат

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

●

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирғула МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқмади

Газета Ўзбекистон Республикаси Девлат матбуот қўмитасидан 000111 рақами билан рўйхатга олинган

Бўжурма №Г-1070.

5085 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табақ.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва сақиялган.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ

Монзил: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАЙБОВ

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00